

# ТРАНСПОРТ СОҲАСИГА ОИД ТЕРМИНЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Туробов Жаҳонгир Равкат ўғли*

*Таянч докторант*

*ЎзДЖТУ*

*+998946494929*

*jahongirturobov@mail.ru*

**Аннотация:** Мамлакат иктисодий тараққиётининг муҳим шартларидан бири товар ва хизматларнинг жаҳон бозорига изчиллик билан кириб боришидан иборатдир. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, транспорт алоқалари жаҳон бозорига кириб боришни жадаллаштиришнинг муҳим омилдир. Ўзбекистон минтақасида ишлаб чиқариш миқёсининг жаҳон хўжалик юритиш тизимиغا интеграциялашуви жараёни бевосита транспорт алоқалари билан чамбарчас боғлиқдир.

**Калит сўзлар:** термин хусусияти; лексик бирлик; методика; дидактика; лексика; компонент; технология; чет тили; инглиз тили.

Бугунги кунда терминологиянинг амалий ва назарий масалаларини янада чуқурроқ ўрганиш, терминлар яратиш ва уларни қўллашни тил қонуниятлари асосида тартибга солиш давлат аҳамиятига молик муаммога айланди. Шунинг учун она тилимизнинг турли терминологик тизимларини янада теранроқ тадқиқ этиш, уларни терминологиянинг хилма-хил масалалари бўйича атрофлича тадқиқ қилиш, бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб бормоқда.

Ҳаётнинг ўзи ва халқнинг талаблари бизнинг олдимизга амалий ечимини топиш лозим бўлган янги ва янада мураккаб вазифаларни қўймоқда. Бу ўринда асосий муаммо, менинг назаримда, қуйидагилардан иборат: Биринчидан, айрим идоралар ва уларнинг раҳбарлари реал ҳаётдан ва халқ эҳтиёжларидан маълум даражада узилиб қолмоқда. Иккинчидан, тармоқ ва ҳудудларни ривожлантириш концепциялари ва дастурларини ишлаб чиқишда

юзаки ёндашувга йўл қўйилмоқда. Транспорт иктисодиёт моддий базасининг асосий бўғинларидан бири ҳисобланиб, иктисодиётнинг нормал фаолиятини таъминлайди, ижтимоий ишлаб чиқариш кучларини хомашё ресурслари ва худудий истеъмолга мос равишда жойлашувига имкон яратади.

Мустақиллик йилларидан бошлаб терминологияни ўрганиш ва соҳа адабиётларини ўзбек тилида нашр этиш бўйича тилшунослар олдида қатор вазифалар юклатилди. Барча соҳалар қатори иктисодий ва сиёсий жиҳатдан аҳамияти ошиб бораётган транспорт соҳаси терминларини ўрганиш кун вазифасига айланмоқда. Янги йўллар қурилиши қатор мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон учун ташқи ва ички бозор айланмаси ҳамда халқаро ҳамкорликни такомиллаштириш масалаларига ўзининг ижобий таъсирини ўтказмоқда. Ушбу соҳа Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида устувор йўналиш сифатида белгилаб қўйилган. Биринчи бор автомобил термини тушунчаси француз тилидан олинган бўлиб *automobile*, лотин тилида *mobilis* (подвижный-ҳаракаткунанда), ўзини мустақил равишда ҳаракатлантирадиган транспорт воситаси деган маънони англатади. Шу билан бир қаторда *car* автомобил номи. Таҳминларга кўра бу атама лотин тилидан олинган бўлиб *carrus* или *carum* ёки ўрта инглиз тилидан олинган бўлиб *carre* (телега-ароба) маъносини англатади.

Ўзбекистонда умум фойдаланадиган юк ва йўловчилар ташувчи транспортнинг барча турлари темир йўл, автомобил, авиация – ҳаво йўллари, шаҳар электр транспорти (трамвай, метрополитен), дарё, қувур транспорти ривож топган. 2015 йили мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 6,5% транспорт тармоқларига (алока билан бирга) 2016 йилда ушбу кўрсаткич 11.7 %, 2017 йилда эса 11.9 % тўғри келди. Транспорт тармоқларида банд бўлган ишчи ва хизматчиларнинг ўртача йиллик сони 2017 йилда 312,3 минг кишини, ташкил этади.

Сўнги йилларда мамлакатимизда транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳасини ривожлантириш, транспорт хавфсизлигини

юқори даражада таъминлаш, транспорт соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш, соҳа учун малакали мутахассислар тайёрлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 47.
2. Экономика Узбекистана. информационно-аналитический бюллетень за 2016 год. Т. 2017. Термин: определение понятия и его существенные признаки н. н. Лантюхова, О.
3. В. Загоровская, Т. А. Литвинова стр 42 Фатхуллоев икромуддин баротович структурно семантический и словообразовательный анализ.
4. Автомобильной терминологии в разноструктурных языках (на материале английского, русского и таджикского языков) Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук по специальности 10.02.19 – Теория языка Парвонахон Душанбе -2017 стр 46-50-59.